

АМИР ТЕМУР СИЙМОСИГА ЭҲТИРОМ



Бугун, 9 апрель - Амир Темур таваллудининг 685 йиллиги Республикамиз миқёсида кенг нишонланмоқда. У жаҳоннинг тўрт машҳур саркардаларидан бири, кураги ерга тегмаган буюк лашкарбоши, худо берган салоҳиятини тўлатўқис намоён эта олган, ўхшаши йўқ буюк армия қўмондони эди.



Буюк давлат арбоби, соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 685 йиллиги муносабати билан Термиз Давлат Университети ҳузуридаги Жарқўрғон бизнес ва енгил саноат техникумида ҳам тадбир бўлиб ўтди. Унда Амир Темур шахсига бугунги кундаги эътибор ҳамда унинг жамият ва давлат қурилишидаги тарихий ўрни ҳақида фикрлар билдирилди. Амир Темур суратлари талабалар томонидан чизилиб, кўргазма сифатида томошабинларга намойиш этилди.



Jarqo`rg`on tuman hokimligi Axborot xizmati.